

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28.12.2017.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ДУСМУХАМЕДОВ ДИЛШОД МАХМУДЖАНОВИЧ

**ХЕЙЛОПЛАСТИКАДАН КЕЙИНГИ ЮҚОРИ ЛАБНИНГ
ИККИЛАМЧИ ДЕФОРМАЦИЯЛАРНИ ХИРУРГИК ДАВОЛАШ
ВА ПРОФИЛАКТИКАСИ**

14.00.21 – Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Дусмухамедов Дилшод Махмуджанович

Хейлопластикадан кейинги юқори лабнинг иккиламчи деформацияларни хирургик даволаш ва профилактикаси..... 3

Дусмухамедов Дилшод Махмуджанович

Хирургическое лечение и профилактика вторичных деформаций верхней губы после хейлопластики 27

Dusmukhamedov Dilshod Makhmudjanovich

Surgical treatment and prevention of secondary deformations of upper lip after cheiloplasty 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 48

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28.12.2017.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ДУСМУХАМЕДОВ ДИЛШОД МАХМУДЖАНОВИЧ

**ХЕЙЛОПЛАСТИКАДАН КЕЙИНГИ ЮҚОРИ ЛАБНИНГ
ИККИЛАМЧИ ДЕФОРМАЦИЯЛАРНИ ХИРУРГИК ДАВОЛАШ
ВА ПРОФИЛАКТИКАСИ**

14.00.21 – Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Tib444 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат стоматология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб саҳифасида www.tdsi.uz ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Юлдашев Абдуазим Абдувалиевич
тиббиёт фанлари доктори,

Расмий оппонентлар:

Jun-Young Pang (Южная Корея)
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Баймурадов Шухрат Абдужалилович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Шимолий Каролина университети (АҚШ)

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат стоматология институти ҳузуридаги DSc.28.12.2017.Tib.59.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтди (Манзил: 100047, Тошкент ш., Яшнобод тумани, Махтумкули кўчаси 103 уй. Тел./факс: (+99871) 230-20-65; факс: (+99871) 230-47-99; e-mail: tdsi2016@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент давлат стоматология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Махтумкули кўчаси 103-уй. Тел.: (+99871) 230-20-65.

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ тарқатилди.
(2018 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ж. А. Ризаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори

Л. Э. Хасанова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Х. И. Ирсаиёв

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда юз-жағ тизимини ривожланишининг тез-тез учровчи, структур ва функционал бузилишлар билан бирга кечечадиган патологик ҳолатдан бири болаларда юқори лаб, альвеоляр ўсиқ ва танглайнинг туғма кемтиклари (ЮЛТТК) ҳисобланади. ЖССТ маълумотларига кўра юз-жағ соҳасидаги аномалиялар АҚШда 65%, Европа давлатларида 59,4%, Россиянинг турли худудларида 86% гача ҳолатларда учраши аниқланган (Дьякова С.В., 2006, Топольницкий О.З., 2006). Болаларда юқори лаб ва танглайнинг туғма кемтик билан туғилиш сони дунёда ўртача 1:600 ни ташкил этади¹. Хейлопластиканинг замонавий, такомиллаштирилган усуллариининг яратилиши ва қўлланишига қарамай, ЮЛТТК бўлган беморларнинг 60%-90%да юқори лаб ва бурунда иккиламчи деформацияларининг шаклланиши кузатилади². Ушбу муаммони ҳал этишнинг мураккаблиги аввалам бор ривожланишдан орқада қолиши хисобига юқори лаб, бурун ва юқори жағ тўқималарининг танқислиги билан боғлиқдир. Бирламчи хейлопластика ўтказилгандан сўнг эришилган эрта ижобий натижаларга қарамасдан, жарроҳлик амалиётидан кейин лаб ва бурунда иккиламчи деформацияларнинг ривожланишини башорат қилиш ўта муҳим ва долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Жаҳонда юз-жағ соҳаси туғма аномалияларини профилактикаси ва уларни даволаш самарадорлигини оширишга қаратилаган қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Шу жумладан, юқори лаб ва танглайнинг туғма кемтики бўлган болаларни хирургик даволашдан сўнг шаклланадиган иккиламчи деформацияларнинг ривожланишига таъсир қилувчи омилларнинг патогенетик механизмларини ўрганиш ва башорат қилиш йўналишида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Қасалликни ташхислашда антропометрик текширув натижаларига асосланган даво усуллари ишлаб чиқилмоқда. Юқори лаб ва танглай туғма кемтикларини патогенетик исботланган комплекс даволаш алгоритмлари такомиллаштирилмоқда. Юқори лаб кемтигини бартараф этишда иммунологик ва биокимёвий кўрсаткичлар асосида тўқималарнинг регенератив жараёнларини фаоллаштирувчи давонинг таъсир кучлари аниқланмоқда. Операциядан кейинги пайдо бўлувчи иккиламчи асоратларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларнинг самарадорлигини оширишга йўналтирилган механизмлар, ҳамда жарроҳлик амалиётидан кейинги асоратларни камайтириш ва бартараф этишга қаратилган илмий –амалий ишлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида, хусусан, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида изчил ислохатлар амалга оширилиб, қатор давлат дастурлари хаётга тадбиқ этилмоқда. 2017-2021 йилларда

¹ ЖССТ маълумотлари, 2014

² Козин И.А., 1996; Медведева М.А., 2007; Jr. Coleman, M.J. Gaukroger, K.Sundberg, 2009.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ³ «...оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оналар ва болаларнинг сифатли тиббий хизматдан фойдаланишни кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш, чақалоқлар ва болалар ўлимини камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни янада кенгрок амалга ошириш» аҳоли қатламлари орасида юқори туғма кемтиги ва иккиламчи деформацияларни эрта ташхислаш ҳамда сифатли тиббий хизмат кўрсатишда инновацион технологияларни қўллаш асосида замонавий даволаш усулларни ишлаб чиқиш ва бажариш муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сонли қарори «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 25 апрелдаги «Соғлом она ва бола» йили Давлат дастури ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. ЮЛТТКда жарроҳлик техникасининг доимий такомиллашиб боришига қарамай ҳанузгача жарроҳлик амалиётидан кейинги асоратлар сонининг сезиларли ортиши – иккиламчи ва қолдиқ асоратлар ҳамда деформацияларнинг мавжудлиги ва ривожланиши кузатилмоқда (Еркег В.Н., 2004). Ҳозирги кунда жаҳонда ЮЛТТКда иккиламчи ва қолдиқ деформациялар патогенези тўғрисида етарли маълумотлар тўпланган. Уларнинг келиб чиқиши кўпинча жарроҳлик услубини малакали бажарилмаганликга, жарроҳлик усулини танлашда беморнинг ёши эътиборга олинмаганликга ёки жарроҳлик амалиётидан олдинги ва кейинги даврларда беморларга зарур бўлган комплекс даволаш жараёнини тўлиқ қўлланилмаганликга боғлиқлиги аниқланади (Guignon В.В., 2008). Бирламчи хейлопластиканинг энг кўп учровчи асоратлари – яллиғланиш асоратлари ҳисобланиб, улар кўп ҳолларда юзнинг юмшоқ тўқималарида деформациялар пайдо бўлишига ва юқори жағни ривожланишига тўсқинлик қилувчи келоид ва гипертрофик чандиқларнинг шаклланишига олиб келади.

Ўзбекистонда ЮЛТТКни ташхислаш, даволаш ва реабилитациясини такомиллаштиришга бағишланган бир қатор илмий-тадқиқот ишлар амалага

³ «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони

оширилган. М.Э.Махкамов (2002) ЮЛТТК бор болаларда дифференциал даволаш-профилактика усулини ишлаб чиққан ва тадбиқ этган. Р.А.Амануллаев (2005) томонидан олиб борилган тадқиқотларда Ўзбекистоннинг айрим вилоятларида ЮЛТТК туғилиш сони ва клиник кўринишларининг тарқалганлиги, ҳамда уларнинг тиббий реабилитациясини такомиллаштириш усуллари ишлаб чиқилган. С.С.Муртазаевнинг (2008) илмий тадқиқотларида ЮЛТТК бор болаларда сўлак таркибида кальций миқдори камайиши ва бунинг натижасида кариес кўрсаткичининг кўтарилиши аниқланган. Ш.Т.Шакиров (2012) юқори жағ иккиламчи деформацияларини тизимлаштирган ва уларни даволашни алгоритмини ишлаб чиққан.

Бугунги кунда ЮЛТТК даволаш ва реабилитациясини такомиллаштиришга қаратилган кўп сонли илмий тадқиқотлар мавжудлигига қарамай, кўпгина муаммолар ўз ечимини ханузгачон топгани йук. Хусусан, юқори лаб пластикаси билан бир вақтда юқори лаб юганчасини узайтириш ва қаттиқ танглайнинг олд қисмини ёпиш, ЮЛТТКда иккиламчи ва қолдиқ деформацияларнинг патогенези, башорат қилиш ва профилактикаси ўзининг долзарблиги йўқотаётгани йўқ.

Ўзбекистонда бугунги кунда бу йўналиш бўйича илмий ишланмалар амалга оширилмаган. ЮЛТТК бор беморларини комплекс даволашда жаррохлик усуллариини такомиллаштириш, иккиламчи ва қолдиқ деформацияларнинг шаклланиш башорати ва профилактикасига қаратилган комплекс даволаш усуллариини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш учун кенг қамровли чуқур тадқиқотлар амалга оширилиши лозим.

Диссертация тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат стоматология институтининг №011400196 «Атроф-муҳит омиллари таъсирини ҳисобга олган ҳолда юз-жағ соҳаси ўсмалари, жароҳатлари, яллиғланиш касалликлари, деформациялари, нуқсонларини ташхислаш, даволаш ва олдини олишнинг замонавий ёндошувларининг ишлаб чиқиш»илмий-тадқиқот ишлари режасига (2014-2017 йй.) мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ЮЛТТК бор болаларда антропометрик ва клиник-биохимик текширувлар асосида юқори лабнинг иккиламчи деформацияларни комплекс даволаш самарадорлигини ошириш иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ЮЛТТК бор болаларда юқори лаб иккиламчи деформацияларнинг (ЮЛИД) клиник ва антропометрик хусусиятларни ўрганиш;

ЮЛТТК ҳамда ЮЛИДда оғиз суюқлиги микрофлорасининг миқдорий, сифат таркибини ва маҳаллий ҳимоя омилларининг ҳолатини ўрганиш;

ЮЛТТК ҳамда ЮЛИДда қон зардобидеги қон-томир эндотелиал ўсиш омили (КТЭЎО)нинг ҳолатини ва тромбоцитар гомеостазнинг хусусиятларини ўрганиш;

жарроҳлик амалиётидан кейин патологик чандиқлар ривожланишини олдини олувчи ва эстетикасини яхшиловчи комплекс чора тадбирларни ишлаб чиқиш;

ЮЛТТКда бирламчи хейлопластика усулини такомиллаштириш;
анъанавий ва таклиф этилаётган комплекс даволаш усулини натижаларини клиник-лаборатор баҳолаш;

ЮЛТТКда ЮЛИДни ривожланишини башорат қилиш имконини берувчи математик модел ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент давлат стоматология институтининг болалар юз-жағ жарроҳлиги бўлимида юқори лаб ва танлайннинг туғма кемтики ҳамда юқори лабнинг иккиламчи деформацияси билан хирургик усулда даволанган 250 нафар бемор болалар олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб юқори лаб ва танлайннинг туғма кемтики бор болалар ҳамда юқори лабнинг иккиламчи ва қолдиқ деформацияси мавжуд беморлар, уларнинг расмлари, оғиз бўшлиғи суюқлиги ва қон зардоби.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот вазифаларини амалга оширишда клиник, антропометрик, микробиологик, иммунологик, биокимёвий, математик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:
такомиллаштирилган хейлопериостопластика (хейлоуранопластика) усули ишлаб чиқилди, ушбу усулнинг қўлланилиши бир вақтда юқори лаб юганчасини узайтиришга ҳамда оғиз-бурун йўлини бирламчи танглай доирасида бартараф этишга имкон берган, бу эса оғиз бўшлиғи даҳлизини нормаллаштирган ҳамда реабилитациянинг жарроҳлик босқичларини камайтирган;

ЮЛИДни шаклланиши бирламчи хейлопластикага индивидуал ёндошмаслик, ҳамда организмдаги латент патологик жараёнларнинг жарроҳлик амалиётидан кейин чандиқларнинг шаклланишига таъсири борлиги аниқланган;

жарроҳлик амалиётидан олдинги даврда ҚТЭЎО кўрсаткичини назорат қилиш патологик чандиқлар ривожланишини ўз вақтида профилактика қилиш имконини бериши исботланган;

қоннинг клиник-лаборатор ва биокимёвий кўрсаткичларига асосланиб патологик чандиқлар ривожланишини башорат қилувчи математик модел ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:
ЮЛИДнинг ривожланиши бирламчи хейлопластика усулининг нотўғри танланганлиги ёки уни техник жиҳатдан нотўғри бажарилганлигига боғлиқлиги аниқланган;

тавсия этилаётган хейлопериостопластика (хейлоуранопластика) усули бир вақтнинг ўзида юқори лаб юганчасининг узайтирган ва оғиз-бурун йўлини бирламчи танглай чегарасида бартараф этган;

ЮЛТТК бор болаларда латент патологик ҳолатлар мавжудлиги жарроҳлик амалиётидан кейинги даврда патологик чандиқларнинг ривожланишига олиб келиши асосланган;

юқори лабдаги косметик нуқсон кўрсаткичи (ЮЛКНК) коррекцияловчи қайта жарроҳлик амалиётининг ҳажмига аниқлик киритган;

ЮЛТТК ҳамда ЮЛИД беморлари оғиз суяқлигида микробларнинг ҳаддан ортиқ ўсиб кетиш синдроми кузатилган, ЮЛИДли беморларда етакчи штаммлар *Candida* гуруҳига кирувчи замбуруғлар ва стафилакоклар бўлиши аниқланган;

тавсия этилаётган комплекс даволаш усули ЮЛТТК бор болаларда ҳамда ЮЛИД бўлган беморларда патологик чандиқлар ривожланишининг профилактикасини ўз вақтида амалга оширишга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий изланишда қўлланилган замонавий, бир бирини тўлдирувчи клиник-лаборатор, биокимёвий, микробиологик, иммунологик, математик усуллар ҳамда етарли даражада беморларнинг сони мавжудлиги билан тасдиқланган, ЮЛТТКда ЮЛИДни олдини олишда комплекс даволашнинг ўзига хос такомиллаштирилган, олинган натижаларга ишончли статистик ишлов берилган, тадқиқот натижалари халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланган, хулоса ва олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ЮЛИДнинг ривожланиш патогенезини тизимли ва локал механизмларини ўзаро алоқаси, ўзаро боғлиқлиги ҳақидаги тасаввурларни сезиларли кенгайтиради. ЮЛТТК болаларини комплекс даволашнинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб беради. Ишлаб чиқилган хейлоуранопластика усули даволаш самарадорлиги оширади, раблтациянинг жарроҳлик босқичларини қисқартиради, иккиламчи деформацияларни ривожланишини башорат қилиш моделидан амбулатор шароитда фойдаланиш мумкин, натижалар асосида эса даволашни индивидуал режасини тузиш имконини беради. Таклиф этилган комплекс даволаш усули жарроҳлик амалиётидан кейинги асоратларни олдини олишга ва юқори лабда иккиламчи деформациянинг ривожланмаслигига сабаб бўлиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ЮЛТТК бор болалар ва ЮЛИД бўлган беморлар учун ишлаб чиқилган даволаш алгоритми республикада юз-жағ жарроҳлиги амалиётида истиқболли йўналиш ҳисобланади, у жарроҳлик раблтация босқичи ва сифтини яхшилаш имконини беради ҳамда жарроҳлик амалиётидан кейинги асоратларнинг ривожланиш ҳавфини қисқартириши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши: ЮЛТТКни комплекс даволаш самарадорлигини ошириш ва ЮЛИДни олдини олиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Юқори лаб ва танглайнинг бир тамонлама кемтиги бўлган болаларда иккиламчи деформациялар ривожланишини дори воситалари билан олдини олиш» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 2 апрелдаги 8н-д/64-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланмада таклиф этилаётган даволаш схемасини қўлланилиши ЮЛИДнинг ривожланиш хавфини камайтиради;

«Юқори лаб ва танглайнинг бир тамонлама кемтигини хейлопериостопластика усули» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 2 апрелдаги 8н-д/64-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланмада тавсия этилаётган хейлопериостопластика (хейлоуранопластика) усули бир вақтнинг ўзида юқори лаб юганчасини узайтиради ва бирламчи танглай чегарасида оғиз-бурун йўлини бартараф этади.

ЮЛТТКда хирургик даволашнинг самарали ва такомиллаштирилган тизимини ишлаб чиқиш ва ЮЛИД ривожланишининг олдини олишга қаратилган натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент давлат стоматология институтининг болалар юз-жағ жаррохлик клиникаси, Бухоро ва Самарқанд вилоятларининг кўп тармоқли болалар шифохоналарининг клиник амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 2 апрелдаги 8н-д/64-сон маълумотномаси). Олинган тадқиқот натижаларининг клиник амалиётга жорий қилиниши ЮЛТТКни даволашда 55%га, ЮЛИДни даволашда 25%га яхшиланишини таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 илмий амалий конференцияларда, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 12 та илмий иш нашр этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, шундан, 6 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган; тадқиқотларнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга

жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Хейлопластикадан кейинги иккиламчи деформацияларни хирургик даволаш ва олдини олишнинг замонавий асослари»** деб номланган биринчи бобида ЮЛТТК этиопатогенези ва клиникасига алоқадор бўлган замонавий хорижий ва маҳаллий адабиёт материалларининг таҳлили келтирилган. Касалликнинг этиопатогенези, ташхислаш, клиникаси ва даволашнинг ўзига хос хусусиятлари, дифференциал ташхиси, профилактика усулларининг афзалликлари ва камчиликлари таҳлил қилинган, шунингдек, мазкур муаммонинг ўз ечимини топган ҳамда ечими топилиши лозим бўлган аспектлар белгиланган.

Диссертациянинг **«Клиник материал ва қўлланилган текширув усулларини умумий тавсифи»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотда қўлланилган ташхис усуллари ва клиник материаллар баён этилган. Қўйилган вазифаларни ҳал этиш учун умумий 250 нафар бемор таҳлилдан ўтказилди: улардан ЮЛИД билан оғриган 6 ёшдан 23 ёшгача бўлган 210 нафар бемор, 6 ойда 13 ойгача бўлган 40 нафар ЮЛТТК болалари ташкил этди. Барча болалар ТГСИ болалар юз-жағ жароҳлиги бўлими қошидаги “Болалар юз-жағ соҳасидаги туғма ва ортирилган патологиялар Республика маркази” да диспансер ҳисобида туради. Илмий ишда юқори лаб ва танглай туғма ёриғини шакли ва оғирлик даражасини аниқлаш мақсадида Л.Е Фролова томонидан таклиф этилганг таснифдан фойдаланилди (1973). Бундан ташқари ушбу тасниф ёрдамида патология ва клиник белгиларни ҳам ўрганиш мумкин.

Қўйилган мақсаддан келиб чиққан ҳолда беморлар қуйидаги 4 гуруҳга бўлинди: 1-гуруҳ (назорат)- ЮЛТТК болалари- анъанавий даволаш; 2-гуруҳ (асосий) – ЮЛТТК болалари- таклиф этилган схема бўйича комплекс даволаш; 3-гуруҳ- (назорат)- ЮЛИД беморлари, - анъанавий даволаш; 4-гуруҳ (асосий) ЮЛИД беморлари – таклиф этилган схема бўйича комплекс даволаш гуруҳи.

Лаб, бурун ва жағларни иккиламчи деформациясини намоён бўлишини баҳолаш С.Н.Бессонов (2007) таклиф этган таснифдан фойдаланиб ўтказилди. Антропометрик ўлчовлар Р.Д.Новоселов (1978), Т.В.Шаров, Л.П.Герасимов (1991); S. Mahn (1980) лар томонидан таклиф этилган усул бўйича ўтказилди. Бирламчи хейлопластикани самарали эканлигини аниқлашда юқори лабни ташкил этган алоҳида анатомик хосилаларни тикланиш натижаларибўйича амалга оширилди. Уларга: (А) бурун йўлининг туби, (Б)- тери қисми, (В) қизил хошия (Г), оғизнинг айлана мускуллари (Д), оғиз бўшлиғига киришва кўрсатма бўлганда юқори лабнинг косметик нуқсони (ЮЛКН) М.П.Водолацкий ва В.А.Зеленский (1993) томонидан таклиф этилган усул бўйича аниқланди. Бу ҳолатда косметик нуқсон битта анатомик хосила даражасида бўлса, деформация характеридан катъий назар у косметик зарарни бешдан бир қисмини ташкил этиб, (20%), унинг йиғинди

белгиси мос холда 100%ни ташкил этади. Юқори лаб пластикасининг натижасини баҳолаш чандикланиш жараёни тугагандан сўнг ўтказилади ва яхши (0-20%), қониқарли (20-40%), нисбатан қониқарли (40-60%) ва қониқарсиз (60% ва ундан юқори) деб тавсифланади.

Оғиз бўшлиғи микрофлора таркибини сифат ва миқдор жиҳатдан ўрганиш ва ЮЛИД беморлари ва ЮЛТТК бор болаларда динамикада маҳаллий ҳимоя омиллари кўрсаткичларини баҳолаш.

Оғиз суюқлиги микрофлорасини миқдор ва сифат жиҳатдан тадқиқ қилиш, ёриқ чети флораси ҳолатини ўрганиш, ажратиб олинган флорани дори воситаларига сезувчанлигини аниқлаш, тадқиқ қилинувчи гуруҳлар оғиз бўшлиғи маҳаллий ҳимоя омиллари ҳолатини ўрганиш ўтказилди (Алиев Ш.Р. 1994, А.Н.Антонов томонидан модификация қилинган), шунингдек иммуноферментатив таклиф қўлланилган.

Қўйилган вазифалардан келиб чиққан холда репарацияни муҳим омилларидан бири ҳисобланган-қон зардоби таркибидаги ҚТЭЎО миқдори тадқиқ қилиш ўтказилди. Бу қон томир тўри шаклланишини бузилиши, гомеостаз тизимининг қон томир тромбоцитар звеносини, кортизол кўрсаткичларини ва қонда липидлар фракциялари баҳоланди. (“HUMAN” фирмасининг MS 4001 иммунофермент анализаторларида ўтказилди).

Клиник-лаборатор ўлчовларни бурун ва лабларнинг иккиламчи деформацияларни ривожланишига боғлиқлигини аниқлаш мақсадида 171 нафар ЮЛИД беморларида белгиларнинг 169 та белгиларнинг корреляцион таҳлили ўтказилди. Стьюдент мезони бўйича клиник лаборатор кўрсаткичларни ишончли белгилари асосида жарроҳлик амалиётидан кейинги жароҳатни кечиш шаклини башорат қилишда ҳал қилувчи қоида олинди.

Олинган тадқиқот натижаларининг статистик таҳлиллари шахсий Pentium IV компьютерида статистик дастурлар билан Microsoft Excel - 2007 дастурида амалга оширилди.


Ўзаро боғлиқ бўлган танловлар ўртасидаги боғлиқликни баҳолашда жуфт боғланган вариантли корреляция коэффициентихисобланди.

Диссертациянинг «**Юқори лаб ва танлайнинг туғма кемтигида юқори лаб, бурун ва жағларнинг иккиламчи деформацияларни клиник-антропометрик кўринишлари, хейлоуранопластика усули**» деб номланган учинчи бобида ретроспектив таҳлил натижалари ва хейлоуранопластиканинг таклиф этилган усулларини ўтказишни техник босқичлари ва уларнинг афзалликлари батафсил келтириб ўтилган. Натижалар таҳлили шуни кўрсатдики, жарроҳлик йўли билан даволашнинг биринчи босқичи – хейлопластик турли хейлопластика турли хорижий ва маҳаллий клиникаларида ўтказилди ва бунда хейлопластиканинг қуйидаги асосий усулларидан фойдаланди: Millard бўйича биринчи гуруҳ-71 нафар бемор; Tennison-Обихов бўйича 2-гуруҳ-57 нафар бемор; Millard+Tennison-Обихов (ёки Р. Д. Навесолов) бўйича 3 синф 15нафар бемор; А.А.Лимберг 4

синф бўйича 11 нафар бемор; хейлопластиканинг атипик усуллари 5 гуруҳ-17 беморни ташкил қилган (1-расм).

Шуни таъкидлаш жоизки 14 нафар беморга бир вақтнинг ўзида хейлопластика ўтказилди. Тадқиқот натижаларида шу нарса қайд этилдики, юқори лаб ва танглайнинг бир томонлама ёриғи бўйича илгари ўтказилган жарроҳлик амалиётидан қолган қолдиқ ва иккиламчи деформациялар клиник кўринишларининг мураккаб комплекси билан характерланади.

Бир қатор объектив ва субъектив сабаблар туфайли реабилитация босқичида ушбу деформацияларни доим ҳам йўқотишни имкони бўлмайди. Тадқиқот натижаларининг таҳлили шуни кўрсатдики, юқори лаб деформацияси кўпинча бурун ва жағларнинг қолдиқ ва иккиламчи деформациялари билан бирга келиши кузатилади. Масалан, юқори жағ деформацияси 28,1%, пастки жағ деформацияси – 8,8%, альвеоляр ўсик нуқсони 63,7% ҳолатларда кузатилади. Юқорида келтирилган ҳолатлар асосан бирламчи хейлопластиканинг атипик усуллари қўлланилган гуруҳларда кузатилади.



1-расм. Беморларнинг кемтикнинг шакли ва бирламчи хейлопластика усулига қараб тақсимланиши

Деформациянинг характерли белгиси бўлиб, жағлараро суякнинг қайрилиши ва олдинга чиқиб қолиши, ёриқ томонида юқори жағ гипоплазияси, кичик фрагментни орқага сурилиши ҳисобланади. ЮЛТТК беморларини жарроҳлик амалиётидан кейинги юқори лаблар деформацияси фақат индивидуал характерга эга бўлади ва асосан тери соҳасида, қизил хошияда, юқори лабнинг шиллиқ қаватида, бурун йўли туби соҳасида нуқсоннинг мавжудлиги ва оғиз атрофи айлана мускулларининг узлуксизлигини бузилиши аниқланди.

Юқори лабнинг иккиламчи ва қолдиқ деформациялар частотаси ва характерини ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, филтрумни бузилиши 62% беморда, оқ чизикнинг бузилиши 59,1% беморда кузатилади, бунда ушбу белгини учраш ҳолатида баъзида қизил хошия терининг ичига кириши, баъзида эса терини қизил хошия ичига кириш ҳолатлари билан

кўринади, айлана мускулларнинг бирикиш ҳолатини бузилиши, 58,5% беморларда, Купидон ёйини бузилиши эса 47,4% беморларда кузатилади. Кейинги ўринда турувчи техник нуқсонлар-майда вестибуляр бўшлиқ (45,6%) ва “хуштак” симптоми (26,9%) асосан жарроҳлик амалиётини нотўғри режалаштирилганлиги ва юқори лаб фрагментини ўрта бўлимида тикланмаслигини имкони йўқлиги сабабли юзага келади.

Бурун-оғиз йўли мавжудлиги асосан юқори лаб ва танглайда кесиб ўтувчи кемтиклар (ЮЛТТК) пайдо бўлиши билан кузатилиб, 63% беморларда аниқланди.

Шуни қайд этиш зарурки, энг оғир ва энг кўп учровчи асоратлар хейлопластикани ностандарт усул билан ўтказилган беморларда кузатилади.

Масалан, 100% беморда филтрум ва бурун учи ассиметриясини бузилиши қайд қилинди, бунда деформациянинг энг оғир шакллари айнан шу гуруҳда учради.

Яна бир яққол намоён бўлувчи белгилардан бирои, “ хуштак” белгиси ҳам жуда кўп ҳолларда хейлопластиканинг атипик усулларида сўнг юзага келиши кузатилади. оқ чизиқнинг бузилиши 88,2% ҳолларда Купидон ёйидаги бузилишлар эса 82,4% беморларда аниқланади. Бизлар ўтказилган тадқиқотда фақат икки марта юқори лаб узунлигини камайишини кузатдик, бунда камайиш микрохейлиягача кузатилди, бу ҳолат бирламчи хейлопластикада тўқималарнинг ҳаддан ташқари кесилиши натижасида юзага келди. Бизнинг фикримизча ушбу асоратлар жуда кўп ҳолларда хейлопластикани нотўғри режалаштирилиши ва ўтказилиши натижасида юза екелади ҳамда юқори лаб тасмасини узайтириш манипуляциялари натижасида юзага келади.

Ўтказилган тадқиқотлар шунга имкон бердики, жарроҳлик амалиётидан кейинги деформацияларни ривожланишида юқори лабнинг анатомик бузилишлар яқуний даражаси мазкур деформацияларни юзага келишида асосий сабаб бўлади. Бу маълумотлар шу билан тасдиқландики, жарроҳлик амалиётидан кейинги деформацияларни юқори даражада ва ишончли сонларда бўлиши танглай ва елвизак ёриғининг кўрсаткичларини ($95,04 \pm 1,97\%$) юқори лаб изоляциялашган ёриғи мавжуд бўлган гуруҳдан олинган натижалар ($85,19 \pm 4,8\%$) билан таққосланганда маълум бўлди. $P \leq 0,05$.

Миллард усулини қўллаган ҳолда ЮЛТТК ни йўқотгандан сўнг қизил хошия соҳасидаги жарроҳлик амалиётидан кейинги деформация ($78,76 \pm 3,8\%$) ва тери қисми ($74,34 \pm 4,10\%$) кўпроқ аниқланди ($P \leq 0,05$), яъни ЮЛКНК 40%- нисбатан қониқарли нотижанги кўрсатди. Бироқ, Обухова-Теннисон усули билан солиштирилганда, хейлопластиканинг бу вариантыда бурун йўли тубини тиклаш ва оғиз айлана мускулларини узлуксизлигини тўғрилаш катта муваффақият бўилан бажаришга эришилади. Миллард бўйича юқори лаб пластикаси тўғриланган, бурун йўли соҳасидаги деформация $30,09 \pm 4,13\%$ ҳолларда қайд қилинади, у кузатувларни $P \leq 0,05$ га

тенг бўлади ҳамда оғизнинг айлана мускуллари $16,81 \pm 3,51\%$ беморларида кўпроқ - $P \leq 0,05$ га тенг бўлади, ЮЛКНК $63,3\%$ -қониқарсиз наптижаларни кўрсатди.

Обухов-Теннисон хейлопластикасидан сўнг ЮЛИД беморлари характери ўзига хос хусусиятларга эга бўлади ва уни ривожланиши кўп холларда жарроҳлик кесмаларини бажариш босқичида йўл қўйилган техник камчиликлар билан белгиланади. Юқори лаб соҳасидаги косметик нуқсон Обухов-Теннисон усули бмилан тикланганда, кўп холларда қизил хошия ва лабнинг тери қисмида жойлашади ($61,29 \pm 6,18\%$), яъни ЮЛКНК 40% -нисбатан қониқарли натижага эга бўлди. Жарроҳлик амалиётидан кейинги иккиламчи деформация бурун йўли туби соҳасида аниқланиб, $45,16 \pm 6,32\%$ болаларда учради, оғиз айлана мускуллари – $32,26 \pm 5,93\%$, ЮЛКНК $82,4\%$ -қониқарсиз натижани кўрсатди.

Айниқса энг ёмон натижалар Лимберг, Обухов-Теннисон-Миллард ва атипик усулларни қўллаганда кузатилиб, -унда ЮЛКНК $72,7\%$, $86,6\%$ ва $94,1\%$ ни т ашқил этди. Ушбу усул бўйича бирламчи хейлопластиканинг узок наътижалари таҳлили шуни кўрсатдики, бирламчи хейлопластика натижаларини пасайиши асосан жарроҳлик амалиётидан кейинги деформацияларни тери қисмида ривожланиши, қизил хошия, юқори лабнинг шиллик қавати, бурун йўли туби соҳасидаги нуқсонларнинг мавжудлиги ва оғиз айлана мускуллари узлуксизлигини бузилиши ҳисобига юз беради- $97,00 \pm 4,05\%$, ўртача олганда ЮЛКНК $79,8\%$ -қониқарсиз натижни кўрсатди. Анатомик бузилишларни самарали йўқотиш, бундан келиб чиққан хролда жарроҳлик йўли билан даволашнинг нисбатан ижобий якуни, фақат 5 нафар беморда кузатилди ($2,92 \pm 1,05\%$) – ЮЛКНК 0% натижа яхши.

Юқори лабнинг жарроҳлик амалиётидан кейинги деформацияси энг кўрп қизил хошия соҳасида ($69,34 \pm 3,91\%$) ва тери қисмида ($57,58 \pm 3,47\%$) кузатилди. Бурун йўли туби соҳасидаги иккиламчи деформациялар ($45,43 \pm 3,28\%$), юқори лаб шиллик қаватидаги ўзгаришлар ($33,52 \pm 4,18\%$) ва оғиз айлана мускулларидаги ($31,28 \pm 3,05$) косметик бузулишлар жуда кам холлардагина шакилланди ва ўз кўриниши бўйича кам турланиши маълум бўлди.

Агар деформация юқори лабнинг фақат битта тўқима хосиласи даражасида аниқланса- ЮЛКНК – 20% , хейлопластика натижаси қониқарли ҳисобланади ($23,00 \pm 3,28\%$), иккиламчи деформацияни иккита тўқима хосиласи соҳасида аниқланиши кузатилса, натижа нисбатан қониқарли ҳисобланади, ЮЛКНК 40% ($39,00 \pm 3,39\%$) натижани кўрсатди. Жарроҳлик амалиётидан кейинги деформацияни юқолри лабнинг 3 ва ундан ортиқ тўқима хосиласи даражасида бўлса ($46,00 \pm 3,81\%$), бирламчи хейлопластика натижаси қониқарсиз деб белгиланди – ЮЛКНК 60% ва ундан юқори.

Миллард ва Теннисон усули бўйича бажарилган хейлопластикадан сўнг беморлар юқори лабдаги иккиламчи деформацияларнинг характери сезиларли фарқ қилди ва уни ривожланиши кўп холларда жарроҳлик

кесмаларини бажариш босқичида йўл қўйилган техник хатолликлар натижасида юзага келди.

Теннисон усули бўйича тикланган юқори лаб соҳасидаги косметик нуқсон кўп ҳолларда лабнинг тери қисмида ($71,29 \pm 5,67\%$) ва қизил хошияда ($59,29 \pm 5,45\%$) жойлашади. Бурун йўли туби соҳасидаги жарроҳлик амалиётидан кейинги иккиламчи деформация $65,16 \pm 5,42\%$ бемор болаларда қайд қилинди, оғиз айлана мускулларида эса $42,16 \pm 5,33\%$ ҳолларда кузатилди. Миллард пластикасини қўллаган ҳолда юқори лабнинг бир томонлама туғма ёриғини йўқотилгандан сўнг қизил хошия соҳасидаги жарроҳлик амалиётидан кейинги деформация ($68,51 \pm 2,74\%$) ва тери қисмида ($74,04 \pm 3,10\%$) натижаларни кўрсатиб, жуда кўп миқдорда, тез-тез аниқланди. ($P \leq 0,05$). Бироқ, Теннисон усули билан солиштирилганда, хейлопластиканинг худди шу вариантыда бурун йўли тубини ва оғиз айлана мускулларининг узлуксизлигини муваффақиятли тиклашни амалга ошириш мумкин. Миллард бўйича юқори лаб пластикасида бурун йўли соҳасидаги деформация $35,49 \pm 4,18\%$ кузатилган ҳолларда қайд қилинди ($P < 0,05$) ва беморларнинг оғиз айлана мускуллари $26,81 \pm 3,61\%$ га тенг бўлди ($P < 0,05$).


Теннисон ва Миллард усули билан бажарилган жарроҳлик амалиёти бир хилда муваффақиятли амалга оширилди ва бунда оғиз бўшлиғига кириш йўлини шакллантиришга эришилди. Натижада юқори лаб шиллик қаватида жарроҳлик амалиётидан кейинги деформациялар кам аниқланиб, $26,35 \pm 5,21\%$ ва $35,66 \pm 4,19\%$ ни ташкил этди ($P > 0,05$).

Юз-жағ соҳасидаги иккиламчи деформацияларни ривожланиш сабаблари таҳлил қилинганда шу нарса маълум бўлдики, улар асосан хейлопластиканинг бирламчи босқичини етарли дарожада мулакали бажарилмаганлиги натижасида юзага келади. Бирламчи хейлопластикада энг кўп учровчи асоратларга яллиғланиш асоратлари кириб, уни таъсирида келоид ва гипертрофик чандиқлар шаклланади, у эса эстетик жиҳатдан қониқмаслик хиссини юзага келтиради.

Шундай қилиб, ЮЛКНК ни қўллаш нафақат коррегирловчи жарроҳлик амалиёти кўрсатмаларини белгилашга ёрдам беради, балки шу билан бирга бирламчи хейлопластиканинг қониқарсиз яқунли, нисбатане қониқарли яқунли ва қониқарли яқунли беморларни даволашга индивидуал ёндошишни ҳам белгилайди.

ЮЛИД баъзи шакллари ривожланишини олдини олиш ва ЮЛТТК бемор болаларида жарроҳлик реабилитация босқичларини қисқартириш мақсадида хейлоуранопластика усуллари таклиф этилди. Жарроҳлик амалиётини режалаштириш юқори лаборатория А, А1 фрагмент нуқталарини Millard бўйича – В, В1 Тери кесма линия нуқталарини бирлашган нуқталарини топишдан бошланади. Сўнгра мазкур нуқтадан юқори лаб фрагментларини қўзланган линияси бўйича кесма ўтказилади. Кесма юқори лаб тасмасининг асосигача давом эттирилади (С) ва кесмани 45 градус

бурчак остида 0,5 см гача кесиб ўтади (C,C1). Бунинг натижасида вестибуляр бўшлиқ узайиб, учбурчак шаклдаги дефект ҳосил бўлади. Сўнгра катта фрагментнинг шиллиқ қаватидан керакли учбурчакдаги тўрт бурчакли қийқим кесиб олинади (C2), ҳосил бўлган нуқсон соҳасига кўчирилиб (C, C1) тикилади (2-расм).



2-расм. Таклиф этилаётган усул бўйича жаррохлик амалиёти режаси

Юқори лабнинг материал фрагментида ҳам ажратиш нуқтаси топилади. Бунинг учун медиал фрагмент бўйича оғиз бурчагининг тенг масофаси белгиланади ва шу узунликка юқори лабнинг материал фрагменти кўчирилади (A1). Худди шу нуқтадан белгиланган линиялар бўйлаб, бурун катагининг шиллиқ қватлари йўналиши бўйича кесма ўтказилади. Кейин эса ажратилган нуқта бўйлаб (A1) Купидон ёйига нисбатан 90 градус бурчак остида пастга кесма ўтказилади.

Бу кўзланган чизик дефект томонигава пастга паралел туширилиб, у ўтиш йўлига 0,2-0,3см етмасдан тўхтатилади. Натижада шиллиқ-шиллик ости қийқимлари L олинади. Мазкур қийқимни медиал фрагмент билан аралаштирилди ва А.А. Лимберг бўйича “качерг” кесмаси ўтказилади. Ўтказилган кесмалардан оғиз айлана мускуллари ажратиб олинади. Бунда кесма қийқимни (L) узунлигига боғлиқ холда бир неча бор узайтирилиши ёки қисқартирилиши мумкин. Шундан сўнг бурун шиллиғида жамлаш, қуюқлаштириш ўтказилади ва қайтарма чок билан тикилади. Сўнгра L қийқимини катта фрагментининг ўтказувчи бурмаси туширилади сўнгра “косов” шиллиқ кесмаси ёрдамида сафарбар этилган шиллиқ қават медиал йўналиш бўйича жойлаштирилади.

Болалар юз-жағ жаррохлиги клиникасида таклиф этилган бирламчи хейлоуранопластика усули ЮЛТТК билан оғриган болаларда қўлланилди.

ЮЛТТКда ушбу усулни қўллаш бир вақтнинг ўзида юқори лаб кемтикни бартараф этиш, бурун-оғиз йўлини бартараф этиш, юқори лаб юганчасини узайтириш ҳисобига вестибюляр соҳани меъёрлаштириш ва қаттиқ танглай олд қисми соҳасидаги кемтикни ёпишга ёрдам беради, булар эса реабилитация муддатни ва жарроҳлик амалиёт аралашуви босқичларини қисқартиришга имкон беради.

Диссертациянинг «ЮЛИД ва ЮЛТТК болаларини комплекс даволаш нуктаи назарини асослаш» деб номланган тўртинчи бобида тадқиқотда қўлланиладиган микробиологик, иммунологик ва биохимиявий усулларга оид маълумотлар, жарроҳлик амалиётидан олдинги медикаментоз тайёргарлик зарурияти ўрганилган ва тадқиқотда иштирок этган гуруҳлар натижалари қиёсий таҳлил қилинганлигига оид барча маълумотлар келтирилган. ЮЛТТК бемор болалари оғиз бўшлиғи микрофлораси сифат ва миқдор жиҳатдан тадқиқотдан ўтказилди. Уларда жарроҳлик амалиётигача оғиз бўшлиғи микроэкологиясидаги анаэроблар флорасининг ишонарли пасайиши қайд этилди, бу айниқса лактобактерияларга нисбатан намоён бўлиб, уларнинг миқдори $lg2,15 \pm 0,2$ КОЕ/мл ни ташкил этди, бу эса назорат гуруҳ маълумотларидан деярли икки марта паст демакдир. Шу билан бир вақтда грамм мусбат кокк флораси орасида *Str. Salivarius* ва *Str. Mutans* лар миқдорларини яққол намоён бўлган камайиши кузатилади. Бироқ, кокклар флорасида бошқа ҳолат ҳавфли ҳисобланади, бу тилла ранг стафилакокк штамmlари ўсишини пайдо бўлишидир. Чунки айнан улар патогенлик хусусиятига эга бўлган кўп миқдордаги ферментларига эга бўлади ва демак айнан улар оғиз бўшлиғи ҳолати мониторингини белгилаб беради. Грамм манфий флора орасида Протей ва Эшерихияларнинг лактозанегатив штамmlари кўп миқдорда учрайди. Булардан ташқари *Candida* тури замбуруғ штамmlари юқори натижаларни кўрсатди, уларнинг миқдори меъёрдан деярли икки марта юқори натижаларни кўрсатиб, $lg 4,11 \pm 0,3$ КОЕ/мл ни ташкил этди.

Шунингдек бизлар томонимиздан айнан битта бемордан ёриқлар атрофидаги флора ҳолати ўрганилди. Бунда грамм мусбат флора орасида энг кўп миқдорни патоген стафилакокк штамmlари эгаллаб, улар $lg 7,55 \pm 0,7$ КОЕ/см² ни ташкил этди. Микробларни учраш частотасининг таҳлили шуни кўрсатдики, энг кўп миқдорни *Str. Pyogens* (90%) энг кам учраш частотаси миқдорини *Enterobacter* (20%) штамmlари ташкил этди. Шунингдек, оғиз бўшлиғи маҳаллий ҳимоя омиллари ҳолатини ўрганиш ҳам ўтказилди. Бунинг учун асосан лизоцим титри, фагоцитоз кўрсаткичи ва А синфига кирувчи секретор иммуноглобулин даражаси ўрганилди. (sIgA). Бундан ушбу беморлардаги лизоцим титри $10,1 \pm 0,2$ мг/%ни, фагоцитоз кўрсаткичи $31,2 \pm 2,0$ мг/%, секретор иммуноглобулин даражаси $0,9 \pm 0,01$ г/л ни ташкил этади. Ушбу кўрсаткичларга асосланиб, шуни қайд этиш мумкинки, ўрганилган барча параметрлар ичида энг катта етишмовчиликни фагоцитоз кўрсаткичи ташкил этади. Булардан шуни хулоса қилиш мумкинки, ВРГН организмга иммунодепрессив таъсир кўрсатади, бу ҳолат оғиз бўшлиғи маҳаллий ҳимоя омилларида акс этади. Бундан шу нарса яққол кўринадики,

